

## ТЕЛЕВИДЕНИЕДАГИ РАҶОБАТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

**Мирзо Ихтиёров**

Самарқанд давлат чет тиллар  
институти (СамДЧТИ) тадқиқотчиси  
E-mail: [m.ixtiyarov@mail.ru](mailto:m.ixtiyarov@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятинитарғиб қилишда телевидениедаги раҷобат муҳитининг ўрни, телевидениенинг ёшларни етук ва баркамол, ўз туғилиб ўсган юртига содик қилиб тарбиялаш, қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини чукур сингдиришдаги аҳамияти ўрганилиб, бу жараёнда давлат ва нодавлат телеканаллари томонидан тайёрланаётган айрим дастурлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Телевидение, раҷобат муҳити, Тараққиёт стратегияси, телетомошибин, ёшлар тарбияси, телевизион жанрлар, телесериал, клип.

## COMPETITION AND YOUTH EDUCATION ON TELEVISION

**Mirzo Ikhtiyorov**

scientific researcher of Samarkand  
State institute of foreign languages (SamSIFL)  
E-mail: [m.ixtiyarov@mail.ru](mailto:m.ixtiyarov@mail.ru)

### ABSTRACT

The role of the competitive environment on television in promoting the content and essence of the reforms implemented in Uzbekistan, the importance of television in educating young people to be mature and loyal to their native land, and instilling humanitarian and humanitarian qualities into their hearts, and in this process, the programs prepared by state and non-state TV channels are analyzed in the article.

**Keywords:** television, competitive environment, development strategy, television audience, youth education, television genres, TV series, clip.

## КОНКУРЕНЦИЯ И ОБРАЗОВАНИЕ МОЛОДЕЖИ НА ТЕЛЕВИДЕНИИ

**Мирзо Ихтиёрөв**

научный соскатель Самаркандинского

государственного института иностранных языков (СамГИИЯ)

Email: [m.ixtiyarov@mail.ru](mailto:m.ixtiyarov@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль конкурентной среды на телевидении в пропаганде содержания и сущности реформ, реализуемых в Узбекистане, значение телевидения в воспитании молодых людей зрелыми, верными своей родной земле, воспитании гуманитарно-гуманитарных качества в их сердца, и в этом процессе анализируются некоторые программы, подготовленные государственными и негосударственными телеканалами.

**Ключевые слова:** Телевидение, конкурентная среда, Стратегия развития, телеаудитория, образование молодежи, телевизионные жанры, телесериал, клип.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида сўз ва матбуот эркинлигига қаратилаётган эътибор туфайли оммавий ахборот воситаларининг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги ўрни ва мақеи тобора ортиб бормоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” китобида “Доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб яшайдиган, жамиятда юз бераётган муҳим ўзгаришлар, устувор ғоя ва ташаббусларнинг маъно – моҳиятини одамларга тезкорлик ва холислик билан етказадиган, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига дадил кириб борадиган матбуот ходимлари мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда”<sup>1</sup> дея таъкидлаган.

Соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар натижасида муҳим тарғибот воситаларидан бири бўлган – давлат ва нодавлат телеканаллари ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Томошабинларни жалб этадиган бир-биридан қизиқарли, одамларни турли иллатлардан сақланишга ундейдиган, ижтимоий-фалсафий тафаккурини бойитишга ҳисса қўшадиган дастурлар юзага келаяпти. Бу жараёнда соғлом рақобат - томошабинлар аудиториясини жалб қилишга бўлган ҳаракатлар ҳам яққол қўзга ташланмоқда.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2023. 98-бет.

Рақобат эса телевидениеда ғоятда мухим саналади. Соғлом рақобат мұхитида томошабинларни ўзига жалб қиладиган янги ғоя ва лойиҳалар асосидаги күрсатувлар, телевизион дастурлар юзага келади. Аммо, томошабинлар аудиториясини жалб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар халқнинг қадриятларига зид бўлмаслиги лозим. Одамларни, айниқса, ёшларни етук ва баркамол, юргига содик қилиб тарбиялашга, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга даҳлдорлик ҳиссини кўчайтиришга, томошабинлар қалбига ватанпарварлик, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини чукур сингдиришга ҳисса қўшиши керак.

Кейинги йилларда матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасига янги технологиялар, ахборот етказишнинг янги воситалари кириб келиши, хусусий телеканалларнинг очилиши билан телевидение соҳасида ҳам тезкорликни таъминлаш, рақобат мұхитини яхшилашга эътибор кучайди.

Бундай рақобат шароитида ҳар бир телеканал томошабинлар аудиториясини эгаллаш, уларни янгиликлардан биринчи бўлиб хабардор қилишга интилмоқда. Янги лойиҳалар асосида телетомошабинларни жалб қилишга қаратилган қизиқарли, таъсирчан, кўримли дастурлар эфирга узатила бошланди. Давлат телеканаллари билан бир вақтда нодавлат телеканалларининг ташкил этилиши жаҳон тележурналистикасида кузатилаётган янги телевизион жанрларнинг амалиётга жорий этилишига йўл очди.

Жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, турли мамлакатларда давлатга қарашли бўлган телеканаллар эмас, айнан хусусий телеканаллар аудиториянинг асосий қисмини эгалламоқда. Мисол учун, Россия Федерациясида хусусий телеканаллар ўтган асрнинг 90-йиларида пайдо бўла бошлаган. Дастлаб асосан рекламадан топиладиган даромад эвазига ишлаб турган телеканаллар кейинчалик одамларга пуллик хизматлар кўрсатишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқди. Бу эса давлатга қарашли бўлган телеканаллар билан рақобатлашиш, ҳатто айрим жиҳатларда улардан ўзиб кетишига имконият яратди.

Мамлакатимизда ҳам хусусий телеканаллар фаолиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Телерадио индустря бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат телерадио студияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоралари қўрилмоқда. Уларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган грант маблағларининг ажратилиши ҳам нодавлат телетармоқнинг ривожланишига хизмат қилмоқда.

Сўнгги пайтлар бизда нодавлат телеканалларнинг томошабинлар аудиториясини қамраб олишга бўлган интилишлари сезиларли даражада ошди. Бунинг эса ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Масалан, телеканаллар томонидан

аудиторияни кенгайтиришга бўлган ҳаракат жараёнида ахборотни биринчилар бўлиб етказиш учун курашилади. Қайси телеканал ёки унда фаолият кўрсатувчи ходим биринчи бўлиб телетомошибинларни жалб эта оладиган, шов-шувли, оммабоп ахборот ва янгиликларни топса, томошибинларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Бунда аудиторияга, одамлар руҳиятига акс таъсир кўрсатадиган, халқимиз менталитетига тўғри келмайдиган, “оммавий маданият” никоби остидаги воқелик ёки ҳодиса, фаҳш ва зўравонликни тарғиб қилувчи материалларни эфирга узатишдан тийилиш зарур.

Телевидениеда дастурлар сифатини ошириш ва томошибинларга энг яхши дастурларни тақдим этиш, унинг чинакам маънода жамият қўзгусига айланишини таъминлаш ижодкорларнинг бош ва асосий мақсадига айланмас экан, ёшлар ва хотин-қизлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи телемаҳсулотлар эфирга узатилаверади.

Давлат ва нодавлат телеканалларида теледастурлар кўримлилигини ошириш мақсадида жамият ҳаётига оид турли долзарб масалалар кўтариладиган кўрсатув ва ток-шоулар ҳам ташкил этилмоқда. Аммо, хусусий телеканаллар томонидан айрим дастурлар ва ток-шоуларда томошибинларни жалб қилиш, “шов-шув” кўтариш мақсадида эр ва хотин ўртасида ёки оиласда гапириладиган, оммага ошкор қилиниши керак бўлмаган мавзулар ҳам олиб чиқилмоқда. Айрим ҳолларда эса таниқли санъаткорлар, бошловчиларнинг студияда жанжаллашиши ҳолатлари ҳам ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиб юборилмоқда. Буни айримлар инсонларнинг камситилиши ёки омма олдида сазойи қилинишига олиб келаётганлигини айтишса, баъзилар томошибинларни жалб қилишнинг ўзига хос усули, дея эътироф этишади.

Бу каби ҳолатлар ҳақида А. Каримов ва бошқалар муаллифлигидаги “Журналистика: аудиовизуал журналистика” китобида қўйидагича фикрлар билдирилган: “Кўрсатувларда хориж каналлари дастурларига кўр-кўронга тақлид қилиш, миллий менталитетни инобатга олмаслик, телевидениенинг анъанавий мақсад ва вазифаларини тўла эътиборга олишнинг бузилиши каби айрим масалалар кўзга ташланмоқда. Мавжуд муаммолар илмий-тадқиқот нуқтаи назаридан ўрганишга муҳтож бўлиб, уларни бартараф этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Телевидениенинг мафкуравий вазифаси ана шу баҳс ва тортишувларда намоён бўлади”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>Каримов А., Қосимова Н., Исломова К., Ҳамдамов Ю., Ортикова Ю., Абдухоликов И., Жўраев Х., Файзуллаева Х. Журналистика: Аудиовизуал журналистика. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. 223-бет.

Томошабинларни, айниқса ёш авлодни миллий-маънавий қадриятларга садоқат, ватанпарварлик руҳида баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда ўкувтарбиявий, маънавий-маърифий йўналишлардаги телекўрсатувларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис бугунги кунда давлат ва хусусий телеканаллар мутасаддилари томошабинлар аудиториясини кўпайтиришга қаратилган фаолиятни амалга оширишда мафкура, давлатнинг ижтимоий-сиёсий манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда иш кўришлари тоқазо этилмоқда. Чунки, кундалик теледастурлардан ўрин оладиган кўрсатув ва репортажлар, ахборот характеридаги лавҳалар телетомошабинларга таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Улар телеэкрандан олган маълумотлари орқали давлат ва жамият ҳаётига, давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларга баҳо беради. Бу жараёнда аҳолига холис ва ҳаққоний, халқимиз менталитети ва манфаатларига мос келадиган ахборотни етказиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда давлат ва хусусий телеканалларда томошабинларни жалб қилиш мақсадида қатор баҳс-мунозарали, таҳлилий-танқидий ва ток-шоу жанридаги кўрсатувлар ташкил этилиб, эфирга узатилмоқда. Мазкур теледастурларда кўтариладиган мавзуларни танлашда ҳам эътибор билан ёндошиш талаб этилади. Қайнота-келин, ота-бала, эр ва хотин ўртасидаги бузилган муносабатларнинг омма олдига олиб чиқилиб муҳокама этилиши минг ийллик оиласи қадриятларимиз илдизига болта ўриш билан баробардир.

Телеканалларда томошабинлар аудиториясини жалб қилишда кўпроқ сериаллардан ҳам фойдаланилади. Сабаби уй бекалари, ёшлар, ҳатто кекса нуронийлар ҳам сериалларни кузатиб боришади. Кейинги пайтларда жамоатчилик эътиrozига сабаб бўлаётган жиҳатлардан бири эса хорижий сериаллардаги оиласи қўнимсизлик, эр ва хотиннинг бир-бирига хиёнати масаласидир<sup>1</sup>. Бундай сериаллар энди шакланаётган ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Афсуски, эр-хотиннинг хиёнати сахналарини айрим миллий сериалларимизда ҳам учратишимиз мумкин<sup>2</sup>. Шу боис телеканалларда фаолият олиб бораётган масъуллар бу каби сахналарнинг эфирга узатилишига йўл қўймаслиги керак.

Телеканаллар ўртасидаги рақобат жараёнида теледастурларнинг давлатимиз ва жамият манфаатлари, инсонлар маънавий-ахлоқий тарбияси, халқимиз менталитетига мослигини инобатга олиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. “Телетомошабинлар томонидан илиқ қабул қилинаётган янгиликлар

<sup>1</sup>“Qalbim eshigini qoq” турк сериали. // “Mening yurtim 5” телеканали. 2023 йил, 13 сентябрь, “Qo‘rg‘on sirlari” турк сериали. // “Sevimli” телеканали. 2023 йил, 30 август.

<sup>2</sup>“Nomus” миллий сериал. // “Mening yurtim 5” телеканали. 2023 йил, 13 сентябрь. “Singlim” миллий сериали. // “Sevimli” телеканали. 2023 йил, 8 сентябрь.

дастурлари, жонли репортаж, мулоқот, тематик кўрсатув, долзарб мавзуларга бағишиланган ток-шоулар, видеофильм, телесериаллар ҳамда дам олиш дастурлари эфирдан муқим ўрин эгалламоқда. Телевидениенинг жамият тараққиётига ҳамда жамиятнинг ОАВга, хусусан телевидениега таъсири ҳам кўтарилиб бормоқда. Жаҳон амалиётида мутахассислар ойнаи жаҳонга нафақат мафкура яратиладиган, уни шакллантирадиган даргоҳ, қурол сифатида, балки турли ижтимоий-сиёсий қарашларни томошабинга етказадиган, маърифат тарқатадиган оммавий ахборот воситаси сифатида қарашади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти ривожланишида оммавий ахборот воситалари, хусусан, давлат ва нодавлат телеканалларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Телеканаллар ахборот тарқатиш, томошабинларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш каби функциялари билан биргаликда давлат ва жамият ҳаётига оид ўзгаришлар, қабул қилинаётган муҳим қарорлар, Давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан томошабинларга маълумот бериш ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжининг маълум қисмини қондиришга хизмат қилмоқда.

“Энг аввало, жамоатчилик онгига таъсир ўтказишнинг биринчи ва замонавий омили бу – телевидение. Унинг кўрсатувлари эса аудитория фикрини бошқариш функциясини ташкил қиласи”<sup>2</sup>. Юқорида таъкидланганидек, телевидениенинг жамоатчилик фикрини шакллантириш, уларга таъсир ўтказиш, жамиятда ижтимоий-фалсафий тафаккурни ривожлантиришдаги роли ниҳоятда каттадир. Шу сабаб ҳам бошқарув жараёнларида бу имкониятдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши табиий. Ўз навбатида давлат ва нодавлат телеканаллари ўзининг йиллик, ойлик ва ҳафталиқ концепцияларини шакллантиришда энг аввало давлат ва жамият манбаатларига хизмат қилувчи, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ва маданий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини қамраб оловчи теледастурларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Ҳар бир кўрсатув ва информацион хабар, интервью ёки таҳлилий лавҳа томошабинларга давлат ва ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида етарлича маълумот бериши керак.

Биринчидан, бу жараёнда теледастурларнинг миллий ғоя ва менталитетга мувофиқ келиши, халқимиз қўзлаган эзгу мақсадлар билан йўғрилганлиги ниҳоятда муҳимдир. Бу ижодкорларни муайян қолипга солиш ёки сўз эркинлиги, матбуот эркинлигини бўғиш дегани эмас, балки материалларни тайёрлашда миллий манбаатлардан келиб чиқсан ҳолда давлат ва жамият тараққиётига

<sup>1</sup>Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К., Ҳамдамов Ю., Ортикова Ю., Абдухоликов И., Жўраев Х., Файзуллаева Ҳ. Журналистика: Аудиовизуал журналистика. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. 205-бет.

<sup>2</sup>Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. –Москва: 2000. – 45 ст.

хизмат қилувчи мақсадларни амалга оширишга ҳисса қўшиш демакдир. Чунки, ахборот маконида қайсиdir жиҳатга эътибор қаратилмаса унинг ўрнини ёт foялар эгаллаши мумкин.

Иккинчидан, кўрсатувларнинг таъсирчанлигини оширишда муаллифлар маҳорати ниҳоятда катта. Шу боис телеканаллар масъуллари муаллиф ва бошловчилар учун мунтазам ўқув-семинарлари ташкил этиб, уларда ўз устида ишлаш, Ўзбекистонда ва жаҳонда руй бераётган воқеалар билан вақтида танишиб бориш кўникмаларини ҳосил қилишлари лозим бўлади. Чунки, теледастур тайёрлашга жалб этилган муаллиф ёки бошловчи қай даражада билимли, фалсафий мушоҳада юритадиган ва сўз бойлигига эга бўлса, дастурлар шунчалик таъсирчан ва кўримли чиқади.

Учинчидан, давлат ва нодавлат телеканаллари ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришда миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда иш тутиш талаб этилади. Хорижий каналларга тақлид қилган ҳолда тайёрланадиган дастурлар одамларнинг маънавий қадриятларига, ижтимоий-фалсафий дунёқарашига, шунингдек, фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бугун телевидение таъсирчан тарғибот воситаси сифатида жамият тараққиётига хизмат қиладиган ахборот воситаларидан бирига айланмоқда. Унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш шу жиҳатдан ҳам ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2023. 98-бет.
2. Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К., Ҳамдамов Ю., Ортиқова Ю., Абдухоликов И., Жўраев Х., Файзуллаева Ҳ. Журналистика: Аудиовизуал журналистика. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. 223-бет.
3. “Qalbim eshigini qoq” турк сериали. // “Mening yurtim 5” телеканали. 2023 йил, 13 сентябрь, “Qo‘rg‘on sirlari” турк сериали. // “Sevimli” телеканали. 2023 йил, 30 август.
4. “Nomus” миллий сериал. // “Mening yurtim 5” телеканали. 2023 йил, 13 сентябрь. “Singlim” миллий сериали. // “Sevimli” телеканали. 2023 йил, 8 сентябрь.
5. Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К., Ҳамдамов Ю., Ортиқова Ю., Абдухоликов И., Жўраев Х., Файзуллаева Ҳ. Журналистика: Аудиовизуал журналистика. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. 205-бет.
6. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием. –Москва: 2000. – 45 ст